



ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

2013 йил 22 НОЯБРЬ, ЖУМА

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 228 (12.539)

Баҳоси эркин нарҳда

ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 21 ноябрь кун Оқсаройда Осиё тараққиёт банки (ОТБ) президенти Такехико Накаони қабул қилди.

Давлатимиз раҳбари меҳмонни юртимизга ташрифи билан қутлар экан, ОТБ билан мамлакатимиз ўртасида мустаҳкам ва ишончли ҳамкорлик қарор топганини, ушбу банк Ўзбекистондаги иқтисодий ислохотларни қўллаб-қувватлаб, тузилмавий ўзгаришларни амалга оширишга катта ҳисса қўшаётганини таъкидлади.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистон – ОТБ ҳамкорлиги 14,5 миллиард АҚШ долларига тенг 40 лойиҳани ўз ичига олган. Бу лойиҳалар учун ОТБнинг умумий қиймати 4,9 миллиард доллардан зиёд ресурслари жалб қилинган. Ҳамкорликда Таллимархон ИЭСидан 900 МВт қувватга эга бўлган иккита буғ-газ қурилмаси барпо этиш, автомобиль йўллари қуриш ва уларни реконструкция қилиш бўйича кенг қўламли дастур, Сурғил қони негизда Устюрт газ-кимё мажмуини барпо этиш, қишлоқ жойларда уй-жой қуриш дастури каби стратегик муҳим инвестициявий лойиҳа ва дастурлар амалга оширилмоқда.

Музокарада томонлар Ўзбекистон билан мамлакатимизнинг етакчи халқаро молиявий шериги бўлган Осиё тараққиёт банки ўртасидаги ҳамкорлик стратегияси аҳоли касб этиши ва узоқ муддатли асосга эга эканини мамнуният билан таъкидлади.

Айни пайтда ОТБнинг Осиё минтақасида қуёш энергетикасини ривожлантириш борасидаги ташаббусини рўёбга чиқариш икки томонлама ҳамкорлигининг истиқболли йўналишларидан биридир. Бу ташаббус ОТБ Бошқарувчилар кенгашининг 2010 йил май ойида Тошкентда бўлиб ўтган йиллик мажлисида илгари

сурилган эди. У, жумладан, яқин йилларда Осиёда 3 минг МВт қувватга эга қуёш электростанциялари қуришни кўзда тутди.

Мазкур ташаббус доирасида Ўзбекистон ва ОТБ Самарқанд вилоятида 100 МВт қувватга эга қуёш фотоэлектрик станциясини қуриш лойиҳасини амалга оширишга киришди. Мазкур станция минтақамизда бу йўналишдаги илк станция бўлади. ОТБ билан биргаликда 2013 йилда Тошкентда Халқаро қуёш энергияси институти ташкил этилди. Бу муассаса нафақат Ўзбекистон, балки бутун Осиё қитъасининг бошқа мамлакатларида ҳам қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланишни кенгайтиришга қаратилган янги қўша лойиҳаларни амалга оширишда муҳим омил бўлади.

Осиё қуёш энергияси форумининг Тошкентда ўтаётган 6-мажлиси ушбу соҳада Ўзбекистон билан ОТБ ўртасида кенгайиб бораётган ҳамкорлигининг мантиқий давомидир. Бу анжуманда ҳукуматлар, халқаро молия институтлари, ускуна ишлаб чиқарувчи компаниялар, илмий-тадқиқот марказларидан қарийб 300 нафар вакил, Осиё мамлакатларидан, шунингдек, Европа, Шимолий ва Жанубий Америкадан қуёш энергияси соҳаси бўйича мутахассислар ва экспертлар қатнашмоқда.

ОТБ президентининг ушбу ташрифи доирасида «Самарқанд шаҳрида 100 МВт қувватга эга қуёш фотоэлектрик станциясини барпо этиш», «Аму-Бухоро ирригация тизимини реабилитация қилиш» ҳамда «Кичик ва микро-молиялашни ривожлантириш» лойиҳалари бўйича умумий қиймати 380 миллион АҚШ долла-

рига тенг молиявий битимлар имзоланди.

Учрашувда Т.Накао ОТБ томонидан кўп томонлама ҳамкорликда амалга оширилаётган, бутун минтақа учун катта аҳамиятга эга бўлган лойиҳаларни қўллаб-қувватлаётгани учун Ўзбекистонга миннатдорлик билдирди.

Сўхбат чоғида узоқ муддатли ва ўзаро манфаатдорлик асосида икки томонлама ҳамкорлигини, шунингдек, минтақавий лойиҳаларни амалга оширишда биргаликдаги сазой-ҳаракатларни кенгайтириш ва ривожлантириш истиқболлари юзасидан атрофича фикр алмашилди.

Айни пайтда томонлар 2014-2016 йилларга мўлжалланган Икки томонлама ҳамкорлик дастурини муҳокама қилмоқда. Бу ҳужжатда нефть-газ сектори, электр энергетикаси, транспорт инфратузилмаси, сув таъминоти, уй-жой қурилиши, кичик бизнес, соғлиқни сақлаш, таълим ва коммунал соҳа каби йўналишларда устувор лойиҳа ва дастурларни амалга ошириш кўзда тутилган.

Томонлар мазкур Дастур ўзаро шериклик муносабатларини сифат жиҳатидан янги мазмун билан бойитишга, ўзаро манфаатли ҳамкорлиқни янада ривожлантириш ва кенгайтириш учун пухта замин яратишига ишонч билдирдилар.

Т.Накао самимий қабул ва ОТБнинг Ўзбекистондаги фаолиятига берилган баҳо учун Президентимиз Ислам Каримовга миннатдорлик билдириб, Осиё қуёш энергияси форумининг 6-мажлиси Тошкентда ўтказилиши қўллаб-қувватлангани ва юксак савияда ташкил этилгани учун ташаккур изҳор этди.

(ЎЗА)

ХАЛҚАРО ФОРУМ ИШТИРОКЧИЛАРИ САМАРҚАНДНИ ЗИЁРАТ ҚИЛДИ



Ўзбекистонда муқобил энергия манбаларини жорий этишнинг янада кенгайтириш ва ривожлантиришга доир кенг қўламли ва изчил ишлар амалга оширилмоқда. Президентимиз Ислам Каримовнинг 2013 йил 1 мартда қабул қилинган «Муқобил энергия манбаларини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони бу борада муҳим омил бўлмоқда. Фармонда муқобил энергетика соҳасидаги илмий салоҳиятини янада ривожлантириш, малакали кадрлар тайёрлаш, бу борадаги қўнунчиликни такомиллаштириш, муқобил энергия манбаларини ишлаб чиқарувчилар ва фойдаланувчиларни рағбатлантириш, уларга солиқ ва божхона имтиёзлари бериш, «Муқобил энергия манбалари тўғрисида»ги қўнун лойиҳасини ишлаб чиқиш вазифалари белгиланган. Хусусан, фармонда Самарқанд вилоятида қуёш

«Қуёш энергияси технологиялари тенденция ва истиқболлари» мавзусидаги Осиё қуёш энергияси форумининг олтинчи мажлиси иштирокчилари 21 ноябрь кун Самарқандда ташриф буюрди ва қуёш фотоэлектр станцияси лойиҳасининг тақдиротида иштирок этди.

фотоэлектр станциясини барпо этиш лойиҳасини амалга ошириш маъқулланган. 100 МВт қувватга эга қуёш фотоэлектр станциясини қуриш Ўзбекистон ва Осиё тараққиёт банкининг ўзаро манфаатли қўша лойиҳаларидан биридир. Айни пайтда Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий вазирлигининг «Ўзоғир-нефтьгазкимёлоиҳа» институтини «Ўзбекэнерго» давлат акциядорлик компанияси буюртмасига асосан станциянинг техник-иқтисодий асосларини ишлаб чиқмоқда. Лойиҳанинг амалга оширилиши Осиё тараққиёт банкининг имтиёзли кредити ва Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармасининг маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

(Давоми 2-бетда)

ТУРКМАНИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ЎЗБЕКИСТОНГА ТАШРИФИГА ДОИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг таклифига биноан Туркменистон Президенти Гурбангули Берdimухамедов 2013 йил 25-26 ноябрь кунлари расмий ташриф билан Ўзбекистонда бўлади.

Олий даражадаги учрашувлар ва музокаралар чоғида Ўзбекистон ва Туркменистон ўртасидаги муносабатларнинг бугунги аҳоли, уни янада ривожлантириш истиқболлари, муҳим минтақавий ва халқаро муаммолар муҳокама этилади.

Ташриф якунлари бўйича давлат раҳбарларининг Қўша баёнотини қабул қилиш, турли соҳаларга оид икки томонлама ҳамкорлиқни янада мустаҳкамлашга қаратилган қатор ҳужжатларни имзолаш мўлжалланмоқда.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

ДЕПУТАТЛАР 2014 ЙИЛДА ИШ ЎРИНЛАРИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА АҲОЛИ БАНДЛИгини ТАЪМИНЛАШ ДАСТУРИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИЛАР

20 ноябрь кун Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.

Қонунчилик палатаси Кенгаши томонидан таклиф этилган кун тартиби тасдиқланганидан кейин депутатлар 2014 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури лойиҳасини муҳокама этдилар. Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазири А.Ҳайитов ушбу масала бўйича маъруза қилди.

2014 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан ишлаб чиқилганлиги ҳамда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси кўриб чиқиши учун киритилганлиги таъкидланди. Дастурдан қўзланган мақсад – демографик омиллар ва иқтисодийдаги таркибий ислохотларни ҳисобга олган ҳолда ҳудудлар ва иқтисодий тармоқларнинг салоҳиятини ишга солиш, меҳнат ресурсларидан оқилона фойдаланиш, бандлик ва тадбиркорлиқнинг самарали шакллари ривожлантиришга ҳар томонлама қўмаклашиш орқали аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича кенг миқёсдаги ва бир-бири билан ўзаро боғлиқ чора-тадбирларни амалга оширишдан иборатдир.

Кейинги йилда 983,6 мингта иш ўрни ташкил этиш назарда тутилмоқда. Асосий эътибор таълим муассасаларининг битирувчиларини, аёлларни, ногиронларни ҳамда аҳолининг ижтимоий қўллаб-қувватлашга муҳтож бошқа тоифаларини ишга жойлаштиришга қаратилган.

Дастур ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан янгиллаш, аҳолининг эҳтиёжманд қатламларини, биринчи навбатда, кўп болали аёллар, ногиронлар, олий ва ўрта махсус таълим муассасаларининг битирувчиларини ишга жойлаштириш, касбга қайта тайёрлаш ҳамда ижтимоий ҳимоя қилиш борасида фаол ва аниқ мақсадга қаратилган чора-тадбирларни амалга оширишга доир тармоқ дастурларини ҳисобга олган ҳолда вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар бўйича алоҳида-алоҳида ишлаб чиқилди. Боз устига, иш ўринларини ташкил этиш параметрлари инвестиция дастури, ҳудудлар ва тармоқларни ривожлантириш, корхоналарни модернизация қилиш ва технологик жиҳатдан янгиллаш, ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш, қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини пухта қайта ишлаш, транспорт ва коммуникация қурилиши, ижтимоий ҳамда бозор инфратузилмаси дастурлари билан ўзаро боғлиқ.

Депутатлар иш ўринларини ташкил этиш ҳамда аҳоли бандлигини таъминлаш Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устуворликларидан бири, халқнинг турмуш даражаси ва сифатини оширишнинг зарур шарти эканлигини таъкидладилар. Дастур янги объектларни ишга тушириш, ишлаб турган ишлаб чиқариш қувватларини модернизация қилиш, қайта жиҳозлаш ҳамда улардан тўлароқ фойдаланиш, sanoatда, қурилишда, хизматлар кўрсатиш ва сервис соҳасида кичик бизнесни жадал ривожлантириш, инфратузилма, коммуникация ва уй-жой қурилиши қўламли кенгайтириш, меҳнатнинг касаначилик шакллари имкониятларини кенгайтириш, бекор турган корхоналарни тиклаш ҳисобида мақбул миқдорда иш ўринларини ташкил этишга ҳамда аҳоли бандлигини таъминлашга қаратилгандир.

(Давоми 2-бетда)



МAMЛАКАТИМИЗДА

● «Навоий» эркин индустриал-иқтисодий зонасида юқори кучланишга чидамли электр кабеллари ва симлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган яна бир янги «HPC systems» (Hayat power cable systems) қўша корхонаси иш бошлади. Янги корхонада 150 киши иш билан таъминланди. Хитойлик сармоядорларнинг 20 миллион 450 минг АҚШ долларига қийматидаги инвестицияси кўмагида иш бошлаган мазкур корхона маҳаллий хом ашёдан йилига 350 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш қувватига эга.

● Наманганда таълим жараёнига илғор педагогик технологияларни татиқ этиш масаласига бағишланган ўқув-тренинг ўтказилди. Бир ҳафта давом этган тадбирда пойтахтдан келган профессорлар, малакали ўқитувчилардан иборат модераторлар гуруҳи янги илғор педагогик технологиялар бўйича машғулотлар ўтказди. Ўқув-тренинг якунида педагоглар томонидан ишлаб чиқилган янги ўқув ишланмалари оммалаштиришга тавсия қилинди.

● Гулистон шаҳрида Зулфия номидаги Давлат мукофоти танловининг Сирдарё вилояти босқичи бўлиб ўтди. Унда 61 иштирокчи адабиёт, санъат, фан, таълим ва маданият йўналишлари бўйича ўз салоҳияти ва маҳоратини намойиш этди. Танловда йўналишлар бўйича ғолиб деб топилганларга кўрикнинг мамлакат босқичига йўлланма берилди.

● Хоразм вилоятида «Ёшлар – чекишга қарши!» лойиҳаси доирасида турли тадбирлар ўтказилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим, Халқ таълими, Соғлиқни сақлаш вазирликлари, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ва Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари федерацияси ҳамкорлигида ташкил этилаётган тадбирларда ёшлар фаол иштирок этаётир.

ЖАҲОНДА

● Япониянинг «Toyota» компанияси мутахассислари ҳайдовчи автомобилни бошқариб кетаётган вақтда унда юрак ҳуружи юз бериши мумкинлиги ҳақида огоҳлантирувчи хавфсизлик тизимини яратиш устида иш олиб бормоқда. Лойиҳага кўра, руль чамбарагига алоҳида мослама ўрнатилади. Ушбу тизим ҳайдовчининг қон босими ва юрак уриши ҳақидаги маълумотларни қайд этиб боради ва таҳлил қилади.

● Италиянинг Сардиния оролида рўй берган сув тошқинлари жиддий талафотларга сабаб бўлди. Тошқинлар натижасида 16 киши ҳаётдан кўз юмган, бир киши бедарак йўқолган, 3 мингга яқин одамнинг уйига зарар етган. Италия Вазирлар Кенгаши қарорига кўра ушбу «Клеопатра» бўрони ҳуружи оқибатида Сардинияда фавқуллодда ҳолат эълон қилинган.

● Европанинг жанубий ҳудудларида ёққан қалин қор қатор ноқулайликларни келтириб чиқарди. Хусусан, Франциянинг баъзи туманларида транспорт ҳаракати қийинлашган. Айрим жойларда электр таъминоти узилиб қолган, кўплаб дарахтларнинг шохи синиб кетган. Худди шундай ноқулай шароит Испания ҳудудида ҳам кузатилди.

ДЕПУТАТЛАР 2014 ЙИЛДА ИШ ЎРИНЛАРИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА АҲОЛИ БАНДЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ДАСТУРИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИЛАР

(Давоми. Боши 1-бетда)

Дастур лойиҳасини ҳар томонлама муҳокама этиш доирасида барча сиёсий партиялар фракциялари ва Ўзбекистон Экологик ҳаракатидан сайланган депутатлар гуруҳининг вакиллари сўзга чиқдилар.

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партиясидан сайланган депутатлар партиядан Сайловолди дастурида, биринчи навбатда, айниқса қишлоқ ёшларини ва аёлларни тадбиркорлик фаолиятига жалб қилиш орқали бандлик масалаларини ҳал қилишга кўмаклашиш мўҳим эканлиги кўрсатиб ўтилганлигини қайд этдилар. Фракциянинг фикрича, мазкур ёндашуви тадбиркорлик соҳасида янги иш ўринларининг ташкил этилиши имкон қадар қулай ишбилармонлик мўҳитининг шаклланиши билан бевосита боғлиқлигига асосланади. Ушбу ҳолатни инобатга олган ҳолда, шунингдек, ўз электроратининг манфаатларидан келиб чиққан ҳолда, фракция Дастурини қўриб чиқишда айнан шу йўналишга алоҳида эътибор қаратди.

Фракция аъзолари меҳнат бозоридagi вазитини яхшилашнинг самарали воситаси сифатида бандликнинг самарали шакллари, айниқса, кичик бизнес, касаначилик ва оилавий тадбиркорликни ривожлантириш Дастурининг асосий вазифаларидан бири эканлигини таъкидладилар. Иш ўринларини ташкил этишда кичик бизнес ролини янада ошириш, имкон қадар қулай ишбилармонлик мўҳитини яратиш, кичик бизнеснинг кредит ва моддий-ҳом ашё ресурсларидан фойдаланиши кенгайтириш бўйича қабул қилинган қонун ҳужжатларига, бозорда талабга эга истеъмол маҳсулотларини ишлаб чиқаришни рағбатлантириш дастурига мўъвофиқ ёшларни тадбиркорлик фаолиятига жалб қилиш орқали қўйилган вазифани ҳал этиш кўзда тутилмоқда.

Тайёр қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш ҳамда ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган қишлоқдаги тадбиркорлик субъектларининг ривожлантирилиши ва кенгайтирилиши 138 мингдан зиёд кишини иш билан таъминлаш имконини бериши таъкидланди.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси аъзолари қўриб чиқилган масалани муҳокама этишда алоҳида фаоллик кўрсатдилар, чунки бу йўналиш партиядан Сайловолди дастуридаги асосий устуворликлардан бири ҳисобланади. ЎзАДП фракция аъзоларининг ишончи қомилки, 2014 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастурининг ишлаб чиқишда ва ижро этилиши аҳоли турмуш даражасини оширишнинг асосий омилларидан бири ҳисобланади. Шу боис мажлисда қўриб чиқилган ҳужжатнинг ижтимоий аҳамиятга молик эканлигига алоҳида ургу берилди.

Партиядан сайланган депутатлар томонидан Дастур лойиҳасида касб-хўнар коллежларининг битирувчиларини ишга жойлаштиришга, уларни эгаллаган ихтисослиги

бўйича иш ўринлари билан таъминлашга ургу берилди. Шу мўносабат билан бўш турган ва захира иш ўринлари ҳисобига касб-хўнар коллежларининг 500 мингдан зиёд битирувчиларини ишга жойлаштириш Дастурининг мўҳим йўналиши эканлиги қайд этилди.

Мажлис чоғида бандлик ва халқ фаровонлигини юксалтириш масалаларини ҳал қилишда маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг жавобгарлигини ошириш зарурлиги ҳақида сўз борди. ЎзАДП фракциясининг таклифига кўра, маҳаллий ҳокимият ва бошқарув органлари, уларнинг ишчи комиссиялари томонидан тасдиқланган манзилли рўйхатлар ва тармоқ жадваллари асосида ҳар ойда мўнтазам равишда тегишли чора-тадбирлар қўрилган ҳолда бандлик ҳудудий дастурлари бажарилишининг бориши қўриб чиқилди.

Фракция аъзоларининг фикрича, бу Дастурининг бажарилишини реал вақт режимида мониторинг қилиш самарадорлигини ошириш ҳамда тасдиқланган параметрлардан ортда қолаётган корхоналар, тармоқлар ва ҳудудларни аниқлаш, Дастурининг сўзсиз бажарилишига қаратилган қўшимча чора-тадбирларни қўриш имконини беради.

Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси вакиллари уларнинг амалий фаолиятида улар ҳуқуқий ва иқтисодий воситаларини янада такомиллаштириш, шунингдек, тадбиркорлигининг аънавий маданиятини қайта тиклаш орқали миллий бизнесга кўмаклашишга, ички истеъмол ва экспорт ўсишини таъминлашга, халқ хўнармандчилигининг барча турлари, хизматлар кўрсатиш ва туризм соҳасини ривожлантиришга, мамлакатини ишлаб чиқарувчиларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш мақсадини қўлаганликларига эътибор қаратдилар.

Фракция аъзолари таъкидладиларки, касаначилик иш ўринларининг катта қисмини миллий хўнармандчиликнинг аънавий марказлари бўлиши минтақаларда – Наманган (28,5 минг), Фарғона (27,3 минг), Андижон (21,6 минг), Самарқанд (17,6 минг), Бўхоро (18,5 минг) вилоятларида ташкил этиш назарда тутилмоқда. Шу билан бирга, оилавий тадбиркорлик субъектлари учун қонун ҳужжатларида назарда тутилган имтиёзлар, преференциялар ҳамда кафолатлардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш бўйича ишни давом эттириш зарур бўлади, бу эса 2014 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури ижросининг натижадорлигига ижобий таъсир кўрсатади.

Фракциянинг ишончи қомилки, қўллаб-қувватланмаган имкониятларга эга туризмин янада ривожлантириш ҳам ана шундай диққат-эътиборни талаб қилади. Жумладан, бу мамлакатимизда янги иш ўринларини ташкил этишга, шу жумладан, ёшларни иш билан таъминлашга кўмаклашувчи хизматлар кўрсатиш ва туризм соҳасини, бир қатор истиқболли минтақаларнинг

инфратузилмасини мўнтазам ривожлантириб боришга тааллуқлидир. Фракциянинг фикрича, бу мазкур соҳаларни ривожлантириш ҳисобига туризм ва транспорт инфратузилмасини янада такомиллаштириш кўламини кенгайтириш, шунингдек, мазкур тармоқларда иш билан таъминланганлар сонини кўпайтириш, аҳоли даромадларини ошириш имконини беради.

Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси фракцияси аъзолари аксарият мамлакатларда ишсизлик билан боғлиқ жиддий муаммолар кузатилаётган бир шароитда Ўзбекистонда ҳар йили иш ўринларини ташкил этиш бўйича махсус дастур қабул қилинаётганлигини таъкидладилар. Бу демографик омиллар ва иқтисодий ёндашув таркибий ислохотларини ҳисобга олган ҳолда меҳнат ресурсларидан оқилона фойдаланиш, бандлик ва тадбиркорлигининг самарали шакллари ривожлантиришга ҳар томонлама кўмаклашиш масалаларига эътибор қаратилаётганлигининг яққол қисолидир.

Фракция вакиллари иш ўринларига юксак даражада эҳтиёж сезилаётган минтақаларда иш ўринларини кўпайтиришга, шунингдек, ташкил этилаётган иш ўринларига, аввало, қишлоқ жойлардаги аёлларни, шунингдек, олий ўқув юртли ҳамда касб-хўнар коллежларининг битирувчиларини ишга жойлаштириш мўҳимлигига алоҳида эътибор қаратдилар. Фракциянинг ишончи қомилки, инновация технологиялари соҳасини ривожлантириш, ёшларни касбга қайта йўналтириш ҳисобига ишга жалб этиш мўҳим йўналишлардан бири бўлиб қолиши лозим.

Ўзбекистон Экологик ҳаракатидан сайланган депутатлар ташкил этилаётган иш ўринларининг барқарорлигини сақлаш, аҳоли пунктларини ободонлаштириш ишларини кенгайтириш юзасидан амалга оширилаётган тадбирларни янада кўпайтириш мўҳимлигини таъкидладилар. Экоҳаракат депутатларининг фикрича, аҳолини экологик тоза озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш бўйича хизматлар кўрсатиш соҳасидан кенгроқ фойдаланиш ҳамда уни янада ривожлантириш, табиатни ифослантirmайдиган технологияларни таъкид этиш иқтисодий жиҳатдан фаол аҳоли бандлигини оширишнинг йўналишларидан бири ҳисобланади. Уларнинг фикрича, ушбу нукта назардан мамлакатимизда мавжуд табиий салоҳиятини инобатга олган ҳолда эко-туризмни янада ривожлантириш ҳамда ушбу соҳада янги иш ўринларини ташкил этиш имкониятларини қўриб чиқиш зарур бўлади.

Муҳокама чоғида билдирилган фикр-мулоҳазаларни ҳисобга олган ҳолда Олий Мажлиси Қўнунчилик палатаси 2014 йилда иш ўринларини ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастурини тасдиқлаш ҳамда тегишли қарор қабул қилди.

Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси
Қўнунчилик палатасининг
Ахборот хизмати

Давлат истеъмолчиларнинг ҳуқуқи устуңлигини ҳисобга олиб, иқтисодий фаолият, тадбиркорлик ва меҳнат қилиш эркинлигини, барча мулк шакллари билан таъминлаш ва ҳуқуқий жиҳатдан баб-баравар муҳофаза этилишини кафолатлайди.
(Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, 53-моддасидан).

Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар жараёнида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, оилавий бизнесни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётгани ўзининг юксак самараларини бермоқда. Жумладан, янги иш ўринлари яратиш, оилаларнинг барқарор даромад манбаларини шакллантириш ва фаровонлигини оширишда мазкур тармоқлар мўҳим омилига айланмоқда.

Тадбиркорлик, ишбилармонлик ва меҳнатсеварлик халқимизнинг энг гўзал қасдларидандир. Бунини маҳалларда ҳаёти мисолида ҳам қўриш мўкин. Юртимизда Заргарлик, Мисгарлик, Кўнчилик, Дегрезлик, Ўқчи, Парчабоф каби турли касб-хўнар билан боғлиқ маҳаллалар номларини қўллаб-қувватлаш бунинг тасдиғидир. Қўл меҳнати ва қўл кўри орқали рўзгор тебратган аждодларимиз ўз касбу қорини келгуси авлодларга мерос қолдирган, фарзандларига болалигидан хўнар ўргатишнинг эса инсон қомолоти ва миллат раънақининг мўҳим шарт, деб билган.

Айни вақтда мамлакатимизда халқимизга хос ўзини ўзи бошқаришнинг бу нўбэ тузилмасини янада ривожлантириш мақсадида мавжуд ҳуқуқий асослар янада такомиллаштирилмоқда. Жорий йил 22 апрелда янги тахрирда қабул қилинган «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги қонун ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирилари Маҳкамасининг 2013 йил 7 октябрдаги «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори мазкур йўналишдаги ишлар самараларидандир. Ушбу ҳужжатлар асосида маҳалланинг аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш, ҳудудда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, айниқса, оилавий тадбиркорлик ва хўнармандчиликни ривожлантиришга кўмаклашиш, давлат бошқаруви органлари фаолияти устидан жамоатчилик назорати олиб боришга оид ваколат ва вазифалари янада кенгайтирилди. Шу билан бирга, фуқаролар йиғини фаолиятининг асосий йўналишларини бўйича саккизта комиссия фаолиятига оид намунавий низомлар тасдиқланиб, амалиётга жорий этилган маҳаллалар ишини янада ривожлантиришда дастуруламал бўлмоқда.

«Маҳалла» хайрия жамоат фонди Тошкент шаҳар бўлимида маълум қилишларига, пойтахтимиздаги мавжуд 475 маҳаллада тадбиркорлик фаолияти ва оилавий бизнесни ривожлантириш масалалари бўйича комиссиялар фаолияти йўлга қўйилган. Бу аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, айниқса, оилавий тадбиркорлик, хўнармандчиликни ривожланти-

2013 йил — Обод турмуш йили

ТАДБИРКОРЛИК — ОБОДЛИК ВА ФАРОВОНЛИК ОМИЛИ

риш ҳамда соҳага аҳолини кенг жалб қилишга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш имконини бермоқда. Ушбу комиссиялар томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, оилавий тадбиркорлик, хўнармандчилик ва касаначиликни ривожлантириш ҳисобига жорий йилнинг ўтган даврида 25 минг 175 нафар меҳнатга лаёқатли, банд бўлмаган аҳоли иш билан таъминланди. Кичик бизнес субъектларига берилаётган қарор қўлайлик ва солиқ имтиёзлари бу борада алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Пойтахтимизнинг Учтепа туманидаги «Қорёғди» маҳалласида уч минг нафардан ортиқ аҳоли истиқомат қилади. Фуқаролар йиғинида бандлигини таъминлаш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, ишлаб чиқариш тармоқлари салоҳиятини юксалтириш борасида изчил ишлар амалга оширилмоқда. Мисол учун, 2013 йилда Мурод Аҳмедхон ташаббуси билан қандо-



ХАЛҚАРО ФОРУМ ИШТИРОКЧИЛАРИ САМАРҚАНДНИ ЗИЁРАТ ҚИЛДИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Самарқанд вилоятида қўш фотозлектр станциясини қуриш учун 400 гектар ер ажратилди. Форум қатнашчилари лойиҳа тақдимотида иштирок этиб, станция макети билан танишиди.

Ўзбекистон мўқобил энергетикани ривожлантиришда улкан ютуқларга эришмоқда, — деди Осиё тараққиёт банки вакили Пол Хаттл. — Тавқидлаш жоизки, бу борадаги ишлар мамлакатни барқарор ривожлантириш учун жуда мўҳимдир. Хусусан, мўқобил энергетиканинг янги технологияларини жорий этаётган хусусий тадбиркорларнинг қўллаб-қувватланаётгани ҳар томонлама ўрганишга мўносивдир. Биз Самарқанд вилоятида қўш фотозлектр станциясини қурилиши лойиҳасининг тақдимотида қатнашдик. 100 МВт қувватга эга бундай станция қурилиши Ўзбекистонда гелиоэнергетикани ривожлантириш соҳасидаги яна бир улкан ютуқ бўлади.

Самарқанд вилоятида қўш фотозлектр станциясининг барпо этилиши ҳудудни йилга 150 миллиарддан ортиқ кВт/соат электр энергиясини билан таъминлаш имконини беради. Ҳар йили 40 миллион куб метр табиий газ теҳлади, атмосферага чиқадиغان буг газлари 200 минг тоннадан кўпроқ қамаяди. Қўш фотозлектр станциясининг ишга туширилиши натижа-сида 50 киши иш билан таъминланади.

Бизнинг институт қишлоқ жойларда барқарор ривожланиш масаласи билан шуғулланади ва бу борада Ўзбекистоннинг қатор тегишли илмий-тадқиқот институтлари ҳамда олий ўқув юртли билан яқиндан ҳамкорлик қилиб келади, — дейди Бранденбург институти вакили Клозе Эдгар (ГФР). — Жумладан, Ўзбекистонлик ҳамкасблар билан қайта тикланадиган энергия манбалари соҳасида янги технологиялар ишлаб чиқиш устиди иш олиб бормоқдамиз. Ҳамкорлигимиздан қўланган мақсад қўш энергетикаси соҳасида янги технологиялар яратиш ва кейинчалик уларни бошқа мамлакатларда ҳам жорий этишдан иборат. Мамлакатимизда мазкур соҳани ривожлантиришга улкан эътибор қаратилаётгани натижа-сида бу борадаги ишлар юксак самаралар бераётганини таъкидлаш жоиз. Самарқанд вилоятида қўш фотозлектр станциясини қуриш лойиҳаси бунга ёрқин мисол бўла олади.

Халқаро форум иштирокчилари Самарқанд шаҳрининг диққатга сазовор жойлари, жумладан, Регистон майдони, бу ердаги Мирзо Улуғбек, Тиллакорлар ва Шердор мадрасалари, «Афросиёб» музейи, Мирзо Улуғбек обсерваториясини бориб кўрди, истиклол йилларида шаҳарда амалга оширилган бунёдкорлик ишлари билан танишди.

Самарқанд сафари меъна унутилмас таассурот қолдирди, — деди Метанол ишлаб чиқарувчилар халқаро ассоциациясининг бош ижрочи директори Майкл Куа Чен-Гуань (Сингапур). — Ўзбекистон азалдан жаҳонда илм-фан ва маданият марказларидан бири бўлган. Улуғбек обсерваторияси, маҳобатли Регистон майдони ва бошқа тарихий обидаларни катта ҳайрат билан қўздан кечирар эканман, ўзбек халқининг қўп асрлик илмий ҳамда маданий аънавалари бугунги кунда ҳам изчил ривожланаётганига амин бўлдим.

Форум қатнашчиларида вилоятнинг Оқдарё туманидаги «Пўлатдархон» маҳалласида бунёд этилган замонавий уй-хўйлар ҳам катта қизиқиш уйғотди.

Ушбу замонавий уйлар мени ҳайратга солди, — деди Кембриж университети аспиранти Ченг Ли. — Дунёнинг қўллаб-қувватлашда қишлоқ ёшлари шаҳарга кетиб қолаётгани кузатишмоқда. Президент Ислам Каримов раҳнамолигида ишлаб чиқилган ва пухта ўйланган замонавий уй-хўйлар қуриш дастури, шубҳасиз, ёшларнинг жонажон қишлоқда яшаш ва меҳнат қилишда мўҳим омил бўлади. Негаки, бу ерда яратилган шароит шаҳарлардагидан асло қолишмайди.

Бобур ОБИДОВ,
ЎзА махсус мухбири

лат маҳсулотларни ишлаб чиқарувчи оилавий корхона, 75-умумтаълим мактабида миллий мусиқа асбоблари тўғраги ташкил этилди. Маҳалла ҳудудда фаолият кўрсатаётган «Соғлом аёл» марказида янги иш ўринлари яратилди. — Дастлаб фаолиятимизни тикувчиликдан бошлаган эдик, — дейди ЎзА мухбирига «Сиёвуш» ўқув маркази раҳбари Гулнора Ҳамидова. — Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожини учун яратилаётган кенг имкониятлардан фойдаланиб, фаолиятимизни кенгайтирдик. Ҳозир ўш йўналишда хотин-қизларга хўнар ўргатилмоқда.

Маҳалладаги Асатилла Аъзамов раҳбарлигида ташкил этилган хусусий корхонада маҳаллий хом ашёдан тайёрланаётган маҳсулотлар бозорда харидорнинг. Асосан болалар ва эркаклар кийимлари ишлаб чиқарилаётган корхонада йигирмага яқин киши иш билан таъминланган.

Маҳаллада касб-хўнар коллежларини битирётган йигит-қизларнинг ўз мутахассислиги бўйича ишга жойлаштириш кўп тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиши учун зарур имкониятлар яратилмоқда. Жумладан, 2013 йилда касб-хўнар коллежларини битирган 50 йигит-қизнинг бандлиги таъминланди. Яна беш нафар битирувчи банддан кредит олиб, иш бошлашида амалий ёрдам қўрсатилди.

Буюртма асосида ёғочдан эшик-ром, турли уй жиҳозлари тайёрлаймиз, — дейди хўнарамд устои Улуғбек Бердиқулов. — Ҳозир икки шогирдим бор. Улар икки йилдан буён хўнарамдчиликни эгалламоқда.

Маҳаллада хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаси ҳам изчил ривожланмоқда. Сартарошхона, гўзаллик салони, савдо дўконлари, пойабзал таъмирлаш устанонаси, тикувчилик шохобчалари маҳалла аҳлига хизмат кўрсатаётди.

«Қорёғди» маҳалласида гул ўстиришга алоҳида меҳр қўйган оилалар кўп. Масалан, Ҳикоятхон ая Парпиева хонадонидидаги 4,5 сотих майдонда мавсумга қараб турли гуллар парваришланади.

Йилнинг тўрт фаслида ҳам ховлимиздан гул ифори аримайди, — дейди Ҳ.Парпиева. — Гулга бўлган меҳрим фарзандларимга, набираро чеварларимга ҳам ўтган. Биз гулларни шунчаки, ҳавас билан парваришлашни бошлаган эдик, кейинчалик у орқали қўшимча даромад кела бошлади. Набираларим бисердан ясаётган бўмлар ҳам анча харидордир. Ҳар бир кишининг меҳнат қилиб, ундан ҳам заъв, ҳам даромад олиши учун имконият яратиб бераётган давлатимиз раҳбаридан беҳад миннатдоримиз.

Сайёра ШОЕВА

Юксак маънавият — енгилмас куч

МАЪНАВИЙ ЮКСАЛИШНИНГ МУҲИМ МЕЗОНИ

«Ўзбекистон матбуоти» III Миллий кўргазмиси доирасида Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан «Жамиятнинг маънавий-маърифий тараққиётида китобнинг ўрни» мавзусида илмий-амалий семинар ўтказилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қўнунчилик палатаси, Ўзбекистон Фанлар академияси, Ўзбекистон уюшмаси, Республика Маънавият тарғибот маркази ҳамкорлигида ташкил этилган семинарда ёзувчи ва шоирлар, ноширлар, ахборот-ресурс марказлари мутахассислари, талаба-ёшлар иштирок этди.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги бош директори О.Юнусов, Ўзбекистон уюшмаси раисининг биринчи ўринбосари С.Сайиди, Ўзбекистон Фанлар академияси Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти директори Н.Маҳмудов, Республика Маънавият тарғибот маркази раҳбари Қ.Қўронбоев, Республика байналмилал маданият маркази директори Н.Маҳаммадиев, «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши раисининг биринчи ўринбосари Ф.Мухаммад-жонов ва бошқалар Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида ёшлар маънавиятини юксалтириш, уларни буюқ аждодларимизга мўносив инсонлар этиб қамолга етказиш, китобга меҳрини ошириш масаласига алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади.

«Ноширлик фаолияти тўғрисида»ги, «Ахборот-кутубхона фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва бошқа меъёрий ҳужжатлар замонавий талабларни ҳисобга олган ҳолда қутубхона тармоғини ташкил қилишнинг такомиллаштириш, маданий, маънавий ахлоқий савиясини юксалтиришга қаратилган ахборот марказларини барпо этиш аҳолини янада кенг ва тизимли ахборот билан таъминлашда мўҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Қорақалпоғистон Республикаси, барча вилоятлар ва Тошкент шаҳрида замонавий ахборот-кутубхона, ахборот-ресурс марказлари барпо этилиб, мавжудларини таъмирлаш юзасидан кенг қўламли ишлар амалга оширилди ва бундай хайрли иш давом этмоқда. Маърифат масканларини энг замонавий ахборот-коммуникация технологиялари билан таъминлаш, илмий, бадий, ўқув адабиётлари захирасини бойитиш, ахборот-кутубхона хизматини сифат жиҳатдан янада юксалтириш юзасидан салмоқли ишлар амалга оширилмоқда. Бу китобхона, ахборот-кутубхоналар фондидан фойдаланувчилар сафининг тобора кенгайишига хизмат қилмоқда.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан Ўзбекистон уюшмаси, Республика Маънавият тарғибот маркази ҳамкорлигида ахборот-ресурс марказлари фондини янада бойитиш, янги нашр этилган адабиётларни кенг тарғиб этиш, ўқувчиларнинг китобхонлик маданиятини юксалтиришга оид қатор маънавий-маърифий тадбирлар, кўргазмалар, кўрик-танловлар ўтказилмоқда.

Семинарда китобхонлик ва маънавий юксалишнинг мўҳим мезони, ёшларда китоб мўлоқоси маданиятини шакллантиришнинг долзарб масалалари, электрон китоблар бозори истиқболлари каби мавзуларда маърузалар тингланди, ўзаро фикр алмашилди.

Н.УСМОНОВА

ҒАМҲЎРЛИКНИНГ АМАЛДАГИ ИФОДАСИ

Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида мамлакатимиз иқтисодиётида амалга оширилаётган таркибий ўзгаришлар кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини ривожлантиришда мўҳим омил бўлмоқда. Жумладан, «Обод турмуш йили» Давлат дастурида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, фермерликни қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилган.

Дастурда мамлакатимиздаги молия муассасалари орқали кичик бизнесни ривожлантиришга 309,6 миллиард сўм, жумладан, оилавий бизнес, хусусий тадбиркорлик ва хўнармандчилик субъектларига 110,1 миллиард сўм, касб-хўнар коллежлари битирувчиларининг бизнес лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш учун 53,5 миллиард сўм кредитлар ажратиш белгиланган тармоқни изчил ривожлантиришга қаратилаётган ғамхўрликнинг амалдаги яна бир ифодасидир.

«Микрокредитбанк» матбуот хизматида маълум қилишларига, 2013 йилнинг ўтган даврида мазкур дастур доирасида аҳолига 389,6 миллиард сўмлик кредитлар ажратилган. Бунда имтиёзли микромолиявий хизматлар микдори 199,5 миллиард сўмга етган. Натижада жойларда 83 мингдан зиёд янги иш ўрни яратилган. Берилаётган имтиёзли кредитлар жойларда оилавий тадбиркорликни ривожлантириш ва аҳоли фаровонлигини оширишда мўҳим омил бўлаётди.

2013 йилнинг ўтган даврида банк 5 мингдан зиёд ёш оилага 31,9 миллиард сўм имтиёзли кредитлар ажратди. Аҳолига сервис хизмати кўрсатиш йўналишидаги бизнес лойиҳаларини молиялаштириш учун йўналтирилган 52,1 миллиард сўмлик сармоялар эвазига 14 мингдан ортиқ янги иш ўрни яратилди. Натижада жойларда гўзаллик салони, пойабзал таъмирлаш устанонаси, автоомбилларга техник хизмат кўрсатиш, алоқа ва ахборот-коммуникация хизматлари каби хизмат кўрсатиш шохобчалари сафи кенгайиб, иш сифати ошди.

Аҳоли бандлигини таъминлаш ва янги корхоналар фаолиятини йўлга қўйишда коллеж битирувчилари фаол иштирок этмоқда. Хусусан, касб-хўнар коллежлари битирувчиларининг ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, уларнинг мустақ

ХАФТЛИК ТЕЛЕПРОГРАМЛАР

Ўзбекистон

5.55 Кўрсатувлар дастури.
6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
7.00 «Икким»
7.05 «Кўнгил қўшиқ истаиди»
7.20 Миллий сериал: «Умидинг-ни сўндирма»
8.00 «Тахилнома»
8.40 «Тонгги газета» Т/с.
